

«Авлиё Валентин куни» - беҳаёлик байрами



15:45 / 13.02.2019 11628

Иккинчи синфда ўқиётган ўғлим бир куни мактабдан келиб шоша-пиша гап бошлади:

- Ойи, ойи устозимиз откритка олиб келишимиз кераклигини айтди.
- Қанақа откритка..? - сўрадим ажабланиб.
- Эртадан кейин (индинга демоқчи) байрам экан.
- Байрам..? Қандай байрам..?
- Валентин куни... - дедилар устозимиз. Кейин ийманибгина давом эттирди:
- Устоз айтдиларки, откриткаларга ўзимизга ёққан синфдош қизларнинг исмини ёзиб...қоғоз қутига (коробка)га солар эканмиз.., кейин...

Бу гаплардан ҳайратим ошиб, «ҳалитдан-а...» деб юборибман. Ўғлим ҳайратимни тушунди чоғи, уялиб нари кетди, гапини давом эттирмади.

Бир оздан сўнг қайтиб келди-да: - Ойи, сиз адамга айтинг, илтимос, олиб келсинлар откритка...мен айтолмайман, - деди.

Бу тадбирнинг давоми қандай кечганини кейинроқ сўраб билдим. Ўғлимнинг айтишича, байрам куни откриткалар санаб чиқилар ва қайси қизнинг номига кўпроқ севги изҳори ифода этилган аноним номалар келиб тушгани аниқланаркан.

Откриткани-ку олиб бердик. Аммо ўйланиб қолдим...

Бизнинг болалик, ўқувчилик йилларимизда бундай гап йўқ эди. Севишганлар куни деган байрам борлигини 90-йилларнинг ўрталарида – талабалигимда бир романтик курсдошимдан эшитган эдим. Эшитган эдим холос... Аммо бу куннинг оммавий тарзда байрам қилинишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Чунки севги, муҳаббат каби туйғулар кўнгилнинг туб-тубида, энг сирли ва нозик хазина каби яширин асралади, ҳаммага ошкор этилмайди, деб ўйлардим. Айниқса, табиатан уятли-андишали, орномусли ҳалқимиз анъанаси, қадриятларига кўра, бу ҳиссиётлар ҳамманинг олдида, ота-оналар, амаки-тоға, амма-холалар... умуман катта ёшдагилар кўз ўнгида ошкор қилинмаслиги, балоғатга етмаган болаларни бу мавзулардан иложи борича узоқда тутилишига одатланган эди бизнинг авлод...

Юқори синфда ўқиб юрган кезларим... Ўшанда Россиянинг марказий телеканили орқали Мексиканинг «Бойлар ҳам йиғлайди», «Оддий Мария» каби сериаллари намойиш этилган ва катта қизиқиш ҳамда шов-шувга сабаб бўлган эди. Ёш, қизиқувчан эканмиз-да, кўча-кўйда, мактабда дугоналаримизнинг тилидан тушмай муҳокама қилинадиган, тафсилотлари билан ўртоқлашиладиган сериални кўриш иштиёқи, ҳаваси бизни ҳам тинч қўймас, синглим икковимиз ҳам уни кўришни жуда истар эдик. Аммо катталарнинг ёнида кўриш ноқулай...Баъзан ёшлигимизга бориб қўшни хонага кириб, яширинча эшик тирқишидан мўралаб бир-икки қисмини кўрганларимиз ҳам бўлган... Аммо...барибир сезиб қолишларидан қўрқиб бундан воз кечганмиз.

Бугун эса... аҳвол ўзгача. Бутун оила – даврадош, тенгдош, севги-муҳаббат, рашку хиёнат саҳналарини бир-бирларидан тортинмай кўриб ўтиришаверади. Қайнота билан келинлар, акалар билан сингиллар... Алалоқибат 3-4 ёшли болалар ҳам бу мавзуларни балодай тушуниб қолишган...Ва бу ҳеч кимни ташвишга солмайдиган одатий ҳолга айланган.

Бу мавзуга яна қайтиш, алоҳида фикр-мулоҳазаларимизни баён этишни ният қилган ҳолда Валентин кунига қайтсак...

Ўғлимнинг ўқитувчисидан хафа бўлганим йўқ. Чунки у ҳам ёшгина қиз. Бунинг устига рус миллатига мансуб. Унинг хатоси шундаки, у ўз синфида таҳсил олаётган деярли қирқ нафар боланинг 70 фоизи мусулмон фарзандлари эканини ҳисобга олмаган. Балки у ҳам бу байрамнинг католик черкови билан боғлиқ эканини билмас. Эҳтимол, шу жажжи болаларга бу ҳақда эслатиш шарт эмаслигини, бу маҳаллий халқнинг миллий-маънавий қадриятларига кўпам тўғри келмаслигини эътибордан қочиргандир ёшгина муаллима. Аммо ҳеч бир ота-онанинг «Биз бу байрамни нега нишонлашимиз керак?» дея бош қотирмагани бироз ранжитади одамни.

Мамлакатимизнинг бир вилоятида фаолият юритадиган ижодкор ҳамкасбим пойтахтга келганида шу мавзуда гап очилиб кетди:

- Сиз пойтахтни гапирасиз, бизнинг қишлоқларда ҳам шу аҳвол. Бултур 14 феврал куни хизмат юзасидан вилоятимизнинг бир туманига боргандим. Туман марказида тумонат одам. Маданият саройидан гувиллаб чиқаётган ёш-яланглар эътиборимни тортди. «Бугун ҳазрати Бобурнинг таваллуд кунлари-ку. Шу санага бағишланган бирор тадбир уюштиришгандир-да», деган фикрдан кўнглим ёришди. Туман миқёсида ёшлар учун шундай тадбир ўтказилгани хўп яхши бўпти-да! Саройдан чиқаётган ёш қизчалар (мактаб ўқувчилари) ни тўхтатиб сўроққа тутдим.

- Валентин кунига дискотека бўлди, опа!

Эшитиб, ёқамни ушладим.

Ҳамкасбимнинг ҳикоясидан бу байрамнинг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёшлар орасида тобора оммавийлашиб, «биринчи» рақамли байрам тусини олаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бу байрамни оммалаштириш борасида катта хизмат кўрсатаётган ҳамкасбларимиз ҳам бор. Мен FM радиоканалларида хизмат қилаётган касбдошларимизни назарда тутяпман. Байрамдан бирикки ҳафта олдин бошланадиган анонслар, байрам кунлари эълон қилинадиган SMS танловлари, эфирга уланадиган энг чиройли дил изҳорлари ҳеч шубҳасиз, ушбу байрамнинг ёшларимиз онги-шуурини, қалбини забт этишида улкан (!) ҳисса қўшмоқда. Шу ўринда эслатиб ўтмоқни жоиз билдик. Японларда – улар мусулмон бўлмаса-да – жамоат жойларида, омма олдида дил изҳори қилиш, севги-муҳаббат саҳналарини намоиш этиш ахлоқсизлик саналаркан. Аммо радиоижодкорларимиз

кимнингдир кўнгил мулкидаги ноёб асрор бўлмиш муҳаббатни, дил розларини фақат ўз эгасигагина эмас, балки бутун мамлакатга овоза қилиш ва буни рағбатлантириш билан оворалар.

Хўш, бу байрамни нега нишонлашимиз керак? Байрамларнинг кўп бўлгани яхши. Аммо ҳар бир байрамнинг мазмун-моҳияти, келиб чиқишидан хабардор бўлган ҳолда, ўша сананинг миллий қадриятларимизни юксалтириш, маънавий оламимизни бойитишга қўшадиган не ҳиссаси бору, ўзлигимиз ва асл анъаналаримиздан чалғитадиган не зарари мавжудлигини аниқлаб олганимиз ҳолда тантана қилишимиз жоиз назаримда.

Энди ушбу байрамнинг келиб чиқиш тарихига назар ташлайлик.

Афсоналарга кўра, Рим империясининг Терни шаҳрида Валентин исмли руҳоний яшаган экан. Насронийлик динининг пешволаридан бўлган бу ёш йигит табиблик ҳам қиларкан. Империя учун суронли даврлар ҳисобланган ўша кезларда Рим императори Юлий Клавдий II ўз аскарларининг жангужадаллар, ҳарбий юришлардан чалғимасликлари, оилаларига боғланиб қолганлик вазидан узоқ муддатли муҳорабалардан бўйин товламасликларини назарда тутиб, уларнинг уйланиб оила қуришларини тақиқловчи фармон чиқаради. Аммо авлиё Валентин ёшларнинг хоҳиш-истакларига кўра, уларни махфий равишда никоҳлар эди. Бундан хабар топган император уни қамоққа ташлайди. Маҳбусликда эканида, у қамоқхона бошлиғининг қизи Жулия билан танишади, унинг ожиз кўзларини даволайди.

Қамоқхона бошлиғи жигаргўшасини даволагани учун миннатдорчилик сифатида Валентинни озод этишга уриниб кўради, аммо бунинг уддасидан чиқолмайди. Император уни олий жазо – ўлимга ҳукм этади. У ўлимидан аввал Жулияга кўнглини очиб, изҳори дил мактуб юборади ва у билан видолашади. Авлиё Валентинни 14 феврал куни қатл этадилар. Шунга кўра, насронийлар жафозада Валентинни бир-бирига кўнгил қўйган ёшларнинг ҳомийси деб билиб, унинг шарафига 14 феврални «Севишганлар куни», «Авлиё Валентин куни» сифатида байрам қилишади. Ушбу сана 496 йили Рим папаси Геласий I томонидан Католик черковининг муҳим байрамлари рўйхатига киритилган, 1969 йили эса Пол VI томонидан бу байрам рўйхатдан олиб ташланган экан. Шундай бўлса-да, ғарбда насронийлар орасида бу кунни зўр тантана билан нишонлаш расми сақланиб қолган.

Бизнинг мамлакатимизга бу ғайри удумнинг қандай йўллар билан кириб келгани ва халқимиз уни нима учун ҳеч бир эътирозсиз қабул қилаётгани кишини ажаблантиради.

Бугун юртимизда ушбу сана арафасида ҳар қадамда байрам нафасини сезасиз. Айниқса, пойтахтимиз кўчаларида, дўконларда ва бозорларда бу яққол кўзга ташланади.

Ўзбек йигит-қизларининг, демакки муслим ва муслималарнинг билиб-билмай, тушуниб-тушунмай бир-бирларига юрак шаклидаги ёки қанотли Купидон (юнон афсоналаридаги муҳаббат маъбуди) тасвири туширилган номалар (открыткалар), яна Валентин куни анъанасига кўра шоколад, гулдаста каби бошқа-бошқа совғалар тақдим этишлари тобора урф бўлиб бормоқда. Инсонларнинг бир-бирига меҳру муҳаббатини, оқибатини изҳор этиш имконини берувчи ўзимизнинг беҳад гўзал, миллий-исломий байрамларимиз бисёр. Демак, ғайридин, ғайри удумлар асосида шаклланиб кириб келган, ўзлимизга соя солаётган Валентин кунига эҳтиёжманд эмасмиз.

Муслима Бегим